

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДИЯРОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 336.5 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economic  
sciences**

**Мамадияров Зокир Тоштемирович**

Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш.....3

**Мамадияров Зокир Таштемирович**

Развитие дистанционных банковских услуг в коммерческих банках.....27

**Mamadiyarov Zokir Toshtemirovich**

Development of remote banking services in commercial banks.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДИЯРОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt489 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Алимардонов Элшод Дилшодович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Оппонентлар:</b>	<b>Жумаев Нодир Хосиятович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Каралиев Шербек Турабоевич</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат\_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (998971) 239-43-51; e-mail: [tdu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (998971) 239-43-51; e-mail: [tdu@tdiu.uz](mailto:tdu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Бекмуродов,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В.Гафуров,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Н.Х.Жумаев,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Банк фаолиятига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва фойдаланиш банк хизматлари оммабоплигини оширишга хизмат қилади. «Juniper Research» томонидан инфографик тадқиқот натижаларига кўра, 2018 йилда жаҳонда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2,158 миллиардни ташкил этиб, шундан 985 миллиони (45,7 фоизи) Узоқ Шарқ ва Хитой давлатларида истиқомат қилса, 395 миллион (18,3 фоиз) фойдаланувчи Европа давлатларида, 378 миллион (17,5 фоиз) фойдаланувчи Америка қитъаси давлатларида, 400 миллион (18,5 фоиз) фойдаланувчи эса бошқа давлатларда истиқомат қилади. 2018 йилда жами чакана банк миқдорлари 3,86 миллиардни ташкил этган, шундан 1,98 миллиарди интернет-банкнинг хизматидан фойдаланса, 2,06 миллиард банк миқдори мобил-банкнинг хизматлари истеъмолчиси бўлмоқда.<sup>1</sup> Шу боисдан, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида банк хизматлари ва банк ҳисобварақларини банкка ташриф буюрмасдан масофадан самарали бошқариш бугунги куннинг энг муҳим вазибаларидан бири бўлмоқда.

Жаҳон амалиётига кўра, тижорат банкларида масофавий банк хизматлари орқали банк тизимидаги муаммоли ҳолатлар учун молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, жаҳон банк тизими мобил технологиялар, рақамли банклар, биометрик технологиялар, блокчейн технологияси ва сунъий интеллект каби замонавий технологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Натижада, мобил технологиялар ёрдамида банк ва миқдорлар жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши, масофавий банк хизматларининг кескин тарзда ривожланиши натижасида филиал ва шаҳобчалар очмасдан фаолият кўрсатувчи рақамли банкларнинг кўпайиши, хавфсизлик даражаси кучайтирилган биометрик технологияларнинг ривожланиши, шаффофлиги кучли бўлган блокчейн технологиясининг оммаланиши ва сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни автоматик таҳлил қилиш банк операцияларини амалга оширишда вақтни тежашга эришилади. Бу эса банклар учун масофавий банк хизматларини инновацион ва технологик жиҳатдан ривожлантириш борасида комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон банк амалиётида инфорацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётганлиги масофавий банк хизматларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармони<sup>2</sup>да банк карталари орқали кўрсатиладиган хизматлар турларини

<sup>1</sup> Juniper's Digital Transformation Readiness Index 2018

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармони.

кенгайтириш, ҳудудларда банк карталари ва уларга хизмат кўрсатувчи жиҳозлар (тўлов терминали, инфокиоск ва банкоматлар) сонини кескин ошириш, банк хизматлари сифатини ошириш мақсадида тижорат банклари фаолиятига самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини ҳисоблаб бориш, миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш, банк ва миждоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, банк миждозларининг банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан («СМС-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Мобил-банкнинг») фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш борасидаги белгиланган вазифалар танланган диссертацион тадқиқот мавзуси доирасида ҳал этилиши режалаштирилган мақсадли йўналишларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сон фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сон, 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасида таниқли иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг назарий, амалий ҳамда методологик муаммоларга бағишланган илмий асарлари мавжуд. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг жорий қилиниши, уларни амалиётга татбиқ қилиш ва ривожлантиришнинг бир қатор назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М.Е.Агву, Ж.Амброс, Ж.Андерсон, Р.М.Бонфас, Г.Брайан, Р.Бусе, Ж.Ф.Девлин, Д.Джентле, Х.Дуглас, А.Л.Картер, Т.Б.Кларк, Т.Лаукканен, П.Молхотра, К.Петрова, Т.Рамаях, П.Роуз, Б.Синг, Дж.Синки, Р.Тивари, Ч.Чангчит, Ч.Чучуен,<sup>3</sup> МДХ

<sup>3</sup> Agwu, M.E and Carter, A.L. (2014) Mobile phone banking in Nigeria: benefits, problems and prospects. International Journal of Business and Commerce Vol. 3, No.6: Feb 2014, 50-70; Bonface Ritho and Jagongo Ambrose (PhD) «Mobile banking and financial performance of commercial banks in kenya» International journal of finance and current business studies. Vol.4, issue 12, 2015; Anderson, J., (2010). M-banking in developing markets: competitive and regulatory implications. Info 12 (1), 18–25; Брайан Г. Конкуренция в банковской сфере. - М.: Экономика и финансы, 1970. - 428 с.; Tiwari, R., Buse, S., (2007). The Mobile Commerce Prospects: A Strategic Analysis of Opportunities in the Banking Sector. Hamburg University Press, Hamburg, Germany; Devlin J.F. (1995), «Technology and innovation in retail banking distribution», International Journal of Bank Marketing, Vol.

мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.И.Жуков, А.Н.Иванов, Т.Ю.Вострухина, А.В.Муравьева, А.Я.Долгушина, Н.Л.Полтораднева, В.Белоусова, Н.Чичканов, Т.К.Медведская, О.А.Гаврилова, А.А.Сергеенкова, А.А.Тимкова, П.В.Ревенков, К.А.Шубин, В.К.Спильниченко, Н.И.Лиходеева, К.А.Забродская, А.О.Захарова, Ю.А.Корниловалар<sup>4</sup>нинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Тижорат банкларида банк хизматлари, банк хизматлари бозорида маркетинг, молиявий хизматлар турлари, уяли алоқа хизматлари, интернет тизими, ахборот тизимлари ва технологиялари борасидаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.З.Абдуллаева, Д.А.Рахмонов, И.Р.Тоймухамедов, З.А.Умаров, Г.Хусаинов, Х.У.Рахимова, О.А.Ортиқов,

---

13 No. 4, pp. 19-25; Джентле Д. Индустрия финансовых услуг. - М.: Экономика и финансы, 1993. - 284 с.; Дуглас Х. Банковская политика в области кредитования. - М.: Слово, 1971. - 508 с.; Clark Teri B. The Complete Personal Finance Handbook: Step-by-step Instructions to Take Control of Your Financial Future. Ocala, FL: Atlantic Pub. Group, 2007. Print.; Laukkanen, T. (2007), «Internet vs mobile banking: comparing customer value perceptions», Business Process Management Journal, Vol. 13 No. 6, pp. 788-797; P. Malhotra, B. Singh. «The Impact of Internet Banking on Bank Performance and Risk: The Indian Experience» Eurasian Journal of Business and Economics 2009, 2 (4), 43-62.; Petrova K. (2008) Mobile Commerce Applications and Adoption, Copyright © 2008, IGI Global, distributing in print or electronic forms without written permission of IGI Global is prohibited; Ramayah, T., (2005). Course website usage among distance learning business students: the role of prior experience. International Journal of Learning 11, 1507–1517; Роуз П. Банковский менеджмент, предоставление финансовых услуг. - Москва: Дело, 1995. -438 с.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индукции финансовых услуг. Пер. с. англ. – Москва: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 1018 с.; Changchit, C., and C. Chuchuen. (2016). Cloud computing: An examination of factors impacting users' adoption. Journal of Computer Information Systems 1–9.

<sup>4</sup> Жуков А.И. Банковская система России. М.: - Проспект, 2009. 186 с.; Иванов А. Банковские услуги: зарубежный и Российский опыт. М.: Финансы и статистика, 2002 г.; Вострухина Т.Ю. Российским регионам - дистанционное банковское обслуживание!. Российское предпринимательство, 2011. № 11 (1); Щеглакова А.К. Разработка и использование банковских интернет - продуктов и оценка их эффективности. автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иваново – 2006; Муравьева А.В. Банковские инновации: мировой опыт и Российская практика. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук., Москва 2005; Долгушина А.Я., Полтораднева Н.Л. Интернет-банкинг как канал дистанционного банковского обслуживания: зарубежный и Российский опыт. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки №3(197) 2014; Белоусова В., Чичканов Н. Мобильный банкинг в России: стимулы пользователей к адаптации. ФОРСАЙТ Т. 9 № 3 2015; Медведская Т.К. Интернет-банкинг в системе дистанционного банковского обслуживания в РФ. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону-2006; Гаврилова О.А. Интернет-банкинг в системе сетевых финансовых отношений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Волгоград - 2008; Сергеенкова А.А. Современные технологии обеспечения конкурентоспособности многофилиального коммерческого банка на рынке финансовых услуг. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону – 2012; Тимкова А.А. Совершенствование системы надзора в условиях дистанционного банковского обслуживания. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук., Санкт-Петербург-2014; Ревенков П.В. Управление рисками в условиях электронного банкинга. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук., Санкт-Петербург – 2013; Шубин К.А. Управление банковскими инновациями на рынке дистанционного обслуживания на основе оценке экономической эффективности. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук., Пермь – 2007; Ловянский Д.Г. Инструментальные методы анализа систем дистанционного банковского обслуживания. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ставрополь – 2012; Спильниченко В.К. Трансформация банковских платежных систем в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 2 (26); Лиходеева Н.И. Применение электронного банкинга при заключении и исполнении банковских договоров [Текст] // Юридическая работа в кредитной организации. – 2014. - No2. – С. 23-27.; Забродская К.А., Захарова А.О. Основы развития дистанционного банковского обслуживания. БГЭУ Белорусский государственный экономический университет. Библиотека. 2012 г. 57-63.; Kornilova Yu.A. Distantionnoye bankovskoye obsluzhivaniye: obzor predlozheniy. Ekonomika sovremennogo predpriyatiya. 2011. №10. S. 48-54. (rus).

О.Ф.Алиқориев, М.М.Абдурахмонова, Ф.С.Агзамов, Б.К.Мирзамайтинов, З.Я.Рахманов, Г.А.Бекмуродовлар<sup>5</sup>нинг илмий ишларида ўз ифодасини тошган.

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда баён этилган масалалар анча теран ва мазмунли ўрганилган бўлса-да, масофавий банк хизматларини ривожлантиришга бўлган талабнинг ошиб бориши яхлит ва комплекс тарзда мустақил илмий тадқиқот объекти сифатида изланишлар олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банкларида масофавий банк хизматларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари борасидаги назарий-концептуал ёндашувларни тадқиқ этиш;

масофавий банк хизмат турлари ва уларнинг хусусиятларини асослаш;

Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматларини амалга ошириш механизми, меъёрий-ҳуқуқий асослари ва амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантиришдаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш;

масофавий банк хизматларини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар асосида аниқлаш ва баҳолаш;

тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантиришга

---

<sup>5</sup> Ходиев Б.Ю. и др. Экономическая информация: классификация, коммерческая тайна и информационная безопасность / Под редакцией академика АН РУз С.С.Гулямова. – Т.: Фан, 2002. – 112 с.; Бекмуродов А.Ш., Шамшиева Н.Н. Телекоммуникация компаниялари маркетинг стратегиялари (Ўзбекистон уяли алоқа компаниялари мисолида). – Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 49 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк иши, дарслик. Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. 732 б.; Рахмонов Д.А. Инновацион банк хизматлари шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатлари. «Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами, ТДИУ, 2018 йил 9 октябрь, 375-378 б.; Тоймухамедов И., Умаров З., Хусанов Г. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. LESSON PRESS, 2018. 215-218 б.; Рахимова Х.У. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2016. 243-247 б.; Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари: иқт. фан. ном. ... дисс. автореферат – Тошкент, 2009. – 19 б.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. иқт. фан. ном. ... дисс. автореферат – Тошкент, 2011. – 28 б.; Абдурахмонова М.М. Банк хизматлари бозорини маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқт. фан. ном. ... дисс. автореферат – Тошкент, 2010. – 25 б.; Агзамов Ф.С. Ўзбекистон Республикаси Интернет тизимига кириб бориш муаммолари ва унинг самарадорлиги. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: 2005. – 22 б.; Мирзамайтинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2008.; Рахманов З.Я. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини такомиллаштириш. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: 2018. – 54 б. Бекмуродова Г.А. Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: 2017. – 53 б.



қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг масофавий банк хизматлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, социологик сўров, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий прогнозлаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

масофавий банк хизматларининг самарадорлигини ошириш йўли билан тижорат банклари операцион харажатларининг барқарор даражасини таъминлаш таклиф этилган;

тижорат банклари фаолиятига мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик кўрсаткичи ва мижозларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш кўрсаткичини республика банк амалиётига жорий этиш орқали банкнинг молиявий хизматлари самарадорлигини ошириш тавсияси асосланган;

банк карталари инфратузилмасини молиялаштириш амалиётини қўллаб-қувватлаш, пластик карталар бўйича кредитлаш амалиётидаги рискларни бошқаришни такомиллаштириш йўли билан ҳудудларда банк карталарига асосланган тўлов амалиётини ошириш таклифи асослаб берилган;

масофавий банк хизматларини кўрсатишда визуал кўринишларни мижоз ихтиёрига кўра мослаштириш ва операцияларни амалга оширишнинг махсус автоматик режимини жорий этиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва ривожланишига бағлиқ илмий манбаларни тадқиқ қилиш орқали «банк хизмати» ва «масофавий банк хизматлари» тушунчаларининг иқтисодий моҳияти, етакчи иқтисодчи олимлар таърифлари ҳамда «масофавий банк хизматлари» тушунчасининг муаллифлик таърифи шакллантирилган;

Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва ҳуқуқий асосларининг ривожланиш босқичлари тадқиқ этилиб, ҳар бир босқичдаги ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

тижорат банкларининг барча филиалларида харажатларни камайтириш учун ўз-ўзига хизмат кўрсатиш 24/7 режимидаги смартофислар очиш ва узлуксиз ишлашини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий тузилмаси ишлаб чиқилган;

тижорат банкларида масофавий банк хизмат турлари оммабоплигини оширишда банк хизматлари бозори таҳлилинини кучайтириш орқали фойдаланувчилар сонини ошириш асосланган;

масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир этувчи «детерминант омилли» гипотезаларнинг таъсир даражаси эконометрик моделлар асосида таҳлил қилиниб, уларнинг таъсирчанлик даражаси

аниқланган ва баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида масофавий банк хизматларини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида янги масофавий банк хизматлари турларини жорий қилиш ва ривожлантиришга бағишланган махсус тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни тижорат банкларида масофавий банк хизматларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сон Фармони асосида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида Марказий банк фаолиятининг устувор йўналиш сифатида тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари кўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш, замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун тўсиқларни бартараф этиш ва шароит яратиш, шу жумладан, чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион банк технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш каби белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

масофавий банк хизматларининг самарадорлигини ошириш йўли билан тижорат банклари операция харажатларининг барқарор даражасини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида 1-илова 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 62-бандини такомиллаштиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси «Тараққиёт стратегияси» марказининг 2019 йил 7 мартдаги 375/19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда рақамли технологияларга асосланган

масофавий банк хизмат турлари самарадорлигини ошириш йўли билан тижорат банклари операцион харажатларининг барқарор даражасини таъминлашга хизмат қилган;

тижорат банклари фаолиятига мижозларнинг банк хизматларидан мамнунлик кўрсаткичи ва мижозларнинг банк хизматларини бошқаларга тавсия этиш кўрсаткичини республика банк амалиётига жорий этиш орқали банкнинг молиявий хизматлари самарадорлигини ошириш тавсияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон фармонида 1-илова 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 62-бандини такомиллаштиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси «Тараққиёт стратегияси» марказининг 2019 йил 7 мартдаги 375/19-сон маълумотномаси). Мазкур кўрсаткичлар банкнинг молиявий хизматлари самарадорлигини доимий назорат қилиш билан бир қаторда, масофавий банк хизмат турлари оммабоплигини ошириш ҳамда операцион даромадларни ошириш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилишда аҳамият касб этади. Бунинг натижасида, банк хизматлари сифати, нархи ва бошқа омилларни баҳолаш имкони яратилиб, операцион харажатларни камайтириш ва мижозлар сонини кўпайтиришга ёрдам берган;

банк карталари инфратузилмасини молиялаштириш амалиётини қўллаб-қувватлаш, пластик карталар бўйича кредитлаш амалиётидаги рискларни бошқаришни такомиллаштириш йўли билан ҳудудларда банк карталарига асосланган тўлов амалиётини ошириш таклифи «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг «Чакана банк хизматлари кўрсатиш департаменти тўғрисида»ги низомини ишлаб чиқишда инobatга олинган («Микрокредитбанк» АТБ бошқарувининг 2019 йил 24 июлдаги 10-30/7270-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этиш натижасида, банк пластик карталар бўйича кредитлаш амалиётидаги рискларни бошқариш ва кредитларнинг хатарлилик даражаси бўйича тўғри таснифланишини назорат қилиш такомиллаштирилган;

масофавий банк хизматларини кўрсатишда визуал кўринишларни мижоз ихтиёрига кўра мослаштириш ва операцияларни амалга оширишнинг махсус автоматик режимини жорий этиш таклифи «Микрокредитбанк» АТБ тизимида янги жорий этилган «МКВ Mobile» иловасининг функционал имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ва кутилаётган натижалар тўғрисида»ги Йўл харитасини ишлаб чиқишда инobatга олинган («Микрокредитбанк» АТБ бошқарувининг 2019 йил 24 июлдаги 10-30/7270-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида «МКВ Mobile» иловаси такомиллашган ва фойдаланувчилари сони 2017 йилда 63209 тадан 2018 йилда 182085 тага етди, яъни 2,88 баробарга ўсган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида

муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАК эътироф этган илмий журналларда 10 та илмий мақола, Scopus базасидаги журналда 1 та илмий мақола, нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, халқаро илмий-амалий конференцияларда 3 та, республика илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 169 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ташкил этишнинг иқтисодий-назарий асослари»** деб номланган дастлабки бобида тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг вужудга келиши ва ривожлантириш борасидаги назарий - концептуал ёндашувлар, масофавий банк хизматлари тизимининг турлари ва хусусиятлари, истиқлол йилларида Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва такомиллашув босқичлари баён этилган.

Масофавий банк хизматлари ривожланишида рақамли технологияларнинг таъсири асосий омил бўлмоқда. Дастлаб, 70-йилларда банклар алоқа каналлари сифатида банкоматларни жорий қилган, кейинроқ 1980 йилларда телефон алоқаси, 1990 йилларда интернет-банкнинг, 1990-2000 йиллар мобайнида мобил-банкнинг хизмати билан банк технологиялари ўзгариб бормоқда.<sup>6</sup>

Рус иқтисодчи олими В.К.Спильниченконинг фикрича, «Банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш информацион хизматларнинг мажмуи ва миқдорнинг ҳисобварағи бўйича операцияларни банкка ташриф буюрмасдан берган топшириғига асосан бажаришдир. Банк ҳисобварағига масофадан хизмат кўрсатиш тизими телекоммуникация тизими орқали

---

<sup>6</sup> Devlin, J.F. (1995), «Technology and innovation in retail banking distribution», International Journal of Bank Marketing, Vol. 13 No. 4, pp. 19-25.

мижознинг банк маълумотлар базасига мурожаати билан изоҳланади».<sup>7</sup>

Тадқиқотларимизга кўра, банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши, биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, иккинчидан, банк операцияларининг автоматлаштирилгани билан боғлиқ.

Бизнингча, моҳиятан банк ва миждоз ўртасидаги алоқанинг анъанавий ва масофадан ташкил этилиши ўртасида кескин фарқ мавжуд эмас. Банк миждозларига хизмат кўрсатиш кераклиги сақланиб қолинган, фақатгина банк ва миждозларини ўзаро боғлайдиган алоқа канали ўзгарди. Яъни, фақат банк миждозлари банкка бориб бажарадиган операцияларини эндиликда масофадан ҳам амалга ошириш имкони мавжуд бўлди.

1-жадвал

### Масофавий банк хизматларининг ривожланиш босқичлари<sup>8</sup>

т/р	Йиллар	Амалга оширилган тадбирлар
1.	1951-1970	Операцияларни автоматик равишда текшириш учун MICR, Magnetic Ink Character Recognition ва ERMA каби технологиялар билан банк хизматларини автоматлаштириш бўйича тадбирлар олиб борилади.
2.	1971-1980	Банк хизматлари компьютерлар ёрдамида тўлиқ автоматлаштирилади. Экранли терминаллар ёрдамида банк миждозлари ҳисобрақамларига реал вақт режимида кириб, уни бошқара олишлари мумкин бўлди. Шунингдек, «Home Banking» концепцияси бўйича илмий изланишлар ва дастурий тажрибалар олиб борилади.
3.	1981-1990	«Home Banking» вужудга келди. «Home Banking» хизматларидан миждозлар ҳафта давомида соат 6:00 дан ярим тунгача фойдаланиш имконияти яратилди. Буюк Британияда биринчи бор интернет-банкнинг хизмати таклиф қилиниб, у «Home-link» дея аталди. First Direct банки биринчилардан бўлиб телефон орқали банк хизматларини кўрсата бошлади.
4.	1991-2000	АҚШда биринчи онлайн банкнинг хизмати вужудга келди. Илк бор онлайн банкнинг bankofamerica.com веб-сайти орқали ишлади, энди махсус банк дастурларига эҳтиёж йўқ эди, миждозларга банкнинг веб-сайтига кунига 24 соат кириш имкони яратилди. Биринчи соф интернет банки First Security Network Bank пайдо бўлди ва у 1997 йилда тўлиқ виртуал банкка айланди.
5.	2001-2010	Онлайн режимда хизматлар тараққий этиши натижасида АҚШда The Federal Financial Institutions Examination Council қонун ва қоидаларни ишлаб чиқди. Бу даврда банк филиаллари бирлашди ҳамда истеъмолчиларнинг банк операциялари смартофис ва онлайн хизматлар орқали бажарила бошланди. Банк операциялари бўйича мобил-банкнинг хизмати ва мобиль иловалар вужудга келди.
6.	2011-ҳ.в.	Онлайн-банкнинг йўналишлари ривожланишда давом этди. Хусусан, мобил-банкнинг хизмати тезкорлик билан оммалашиб борди. Филиалсиз фаолият юритувчи Direct банклар сони кўпайди. Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш каналлари ва турлари кўпайиб, ривожланмоқда.

Ривожланган давлатлар тижорат банкларида 1950 йилларнинг охири ва 1960 йилларнинг бошларида жараёнлар автоматик равишда текширилиши учун MICR, Magnetic Ink Character Recognition, ERMA каби технологиялар билан банк хизматларини автоматлаштириш мақсад қилиб қўйилган.


<sup>7</sup> Спильниченко В.К. Трансформация банковских платежных систем в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 2 (26).

<sup>8</sup> Мавзу доирасида тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

Таъкидлаш лозимки, 2007 йилдан Apple корпорацияси «The iPhone» смартфонларни ишлаб чиқара бошлагандан сўнг, банкка боғланиш каналлари шахсий компьютерлардан смартфонларга алмаша бошлади.

Кейинчалик, мобиль телефон технологияси вужудга келиши билан банклар ўз мижозларига мобиль қурилмаларга асосланган банк хизматларини таклиф қила бошлади. 2007 йилдан бошлаб, уяли алоқа воситалари банк мижозлар билан ишлаш учун муҳим платформага айланди. Бугунги кунда Bank of America 24 миллиондан зиёд фаол уяли алоқа фойдаланувчилар ва 30 миллиондан зиёд онлайн-банкнинг хизматидан фойдаланувчиларга инновацион хизматлар ишлаб чиқиш ва тақдим этишда банк соҳасида етакчи бўлишмоқда.<sup>9</sup>

Умуман олганда, тижорат банкларида масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин. Яъни, маълумотларни узатиш каналлари ва бошқа хусусиятларига кўра 4 гуруҳга ажратилди, «Мижоз-банк» дастури, Мобил-банкнинг, ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қурилмалари ва интернет-мижоз (thin client) кабилар хусусиятларига кўра муаллиф томонидан тизимлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизим турлари<sup>10</sup>

Ушбу масофавий банк хизмат турларини амалиётга жорий қилишда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда масофавий банк хизматларининг самарадорлигини ошириш йўли билан банкнинг операцион харажатларининг барқарор даражасини таъминлаш лозим. Натижада, масофавий банк

<sup>9</sup> www.bankofamerica.com «Bank of America» банкнинг расмий веб-сайти.

<sup>10</sup> Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

хизматларининг диверсификациялашув даражаси ошади, яъни банк мижозлари учун қулай бўлган масофавий банк хизматларидан фойдаланишда танлаш имконияти яратилади.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимида электрон тўлов тизими ва масофавий банк хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий ривожланиш босқичлари<sup>11</sup>**

т/р	Давр	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат номи	Изоҳ
1.	1991-2000	«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар.	Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилиши ва банк хизматлари ҳамма учун тенг шартларда.
2.	2001-2010	«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги, «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар.	Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилиниши, электрон рақамли имзонинг қўлланилиши, электрон тижорат, электрон тўловлар тўғрисида.
		Марказий банк бошқарувининг «Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги ва «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида»ги низомлари.	Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби ва масофавий банк хизматларини амалга ошириш тартиби.
3.	2011-2019	Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни	Банкларда гаров реестрини интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи орқали узлуксизлигини таъминлаш.
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонлари.	Масофавий банк хизматлари имкониятларини кенгайтириш, реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб-китобларни бошқариш, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш.
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.	Масофавий банк хизматларини ривожлантиришда хориж тажрибасини амалиётга жорий этиш.
		Марказий банк бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тартиби тўғрисида»ги, «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги низомлари.	Банклараро ҳисоб-китоблар ва унда ахборотларни муҳофаза қилиш орқали ҳисоб-китоб ва тўлов тизимини амалга ошириш механизмни такомиллаштириш, рақамли банкларда банк хизматларини масофадан кўрсатиш тартиб-қондалари тўғрисида.

Ҳар қандай хизмат ўзига хос қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган асосга эга бўлиши зарур. Бунда айнан хизмат турининг амалда давлат томонидан

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилди.

рухсат этилганлиги ва фойдаланувчилар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланишини кўрсатади. Натижада банк мижозлари ҳам кафолатланган тегишли хизматлардан фойдаланишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиб олишади ва хизмат ҳавфсизлигига ишонч ҳосил қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5296-сон Фармонида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замонавий банк хизматларини кўрсатиш учун тўсиқларни бартараф этиш ва шароит яратиш, шу жумладан, чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар ва банк бўлинмаларини ташкил этиш, инновацион банк технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда масофавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш мақсад қилиб олинди.

Хусусан, тижорат банкларида масофавий банк хизматларини самарали ташкил этишнинг ўзига хос тенденциялари вужудга келди. Мазкур тенденцияларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жорий этилиши, банкларга интернет тармоғини улаш кабилар муҳим ўрин тутди (2-жадвалга қаранг).

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса шакллантирилди. Сўнгги вақтларда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштирмақда. Келгусида масофавий банк хизмат турларини ривожлантиришда банк соҳасидаги инновацияларнинг амалга оширилиши, маълумотларни автоматик таҳлил қилиш тизимларининг жорий қилиниши ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам йўлга қўйилиши банк мижозларининг масофавий банк хизматларига ишончи ортиши ҳамда ушбу хизматларнинг тезкор ва қулайлигини англай бошлашига сабаб бўлади, деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланиш амалиёти таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг ишлаш механизми, Ўзбекистон банк тизимида масофавий банк хизматлари амалиётининг таҳлили ёритиб берилган, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар аниқланиб, улар бўйича гипотезалар шакллантирилди ҳамда уларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсири муаллиф томонидан яратилган модел орқали эконометрик таҳлил қилинди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда «Банк-мижоз» дастури ва Интернет-банкнинг хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вужудга келди. Даставвал, интернет-банкнинг хизмати 2007 йилда корпоратив мижозлар учун яратилди. Ушбу ривожлантиришнинг кейинги босқичи эса жисмоний шахсларни қамраб олди.<sup>12</sup>

<sup>12</sup> [http://bank.uz/publish/doc/text50589\\_tak\\_li\\_strashen\\_chert\\_kak\\_ego\\_malyuyut\\_ili\\_sobstvennye\\_vpechatleniya\\_ot\\_internet-bankinga](http://bank.uz/publish/doc/text50589_tak_li_strashen_chert_kak_ego_malyuyut_ili_sobstvennye_vpechatleniya_ot_internet-bankinga)



2011 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, банк пластик карточкалари сони 7 млн. 909 мингтани ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг шу даврида 19 млн. 523 мингтага етган. 2017 йилда банк пластик карточкалари сони 19 млн. 226 мингтани ташкил этди. 2018 йил 1 январдан «Дуэт» карточкалари орқали пул ўтказмалари тўхтатилганлиги сабабли, 2018 йилда банк пластик карточкалари сони 17 млн. 686 мингтагача камайган. Умуман олганда, банк пластик карточкалари сони 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 2,2 мартага ошган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

**Ўзбекистонда масофавий банк хизматларининг ривожланиш параметрлари (31 декабрь ҳолати, донада)<sup>13</sup>**

№	Турлари	2011 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018/2011 йиллар ўзгариши (марта)
1.	Чиқарилган банк карточкалари сони (минг дона)	7909	15215	16316	19523	19226	17686	<b>2,2</b>
2.	Банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми (млрд. сўм)	10192,4	22758,0	31324,0	53050,0	52972,0	63713,5	<b>6,3</b>
3.	Тўлов терминаллари сони	85741	169581	183060	208536	235712	244913	<b>2,9</b>
4.	Инфокиоск ва банкоматлар сони	491	1870	2345	4954	5632	6859	<b>14,0</b>
5.	Миқозлар сони	1159890	1432849	1515004	1638673	1755492	1880634	<b>1,62</b>
6.	Депозит ҳисоб-варақлар сони	3926356	5030704	5364838	5809172	6469921	7263621	<b>1,85</b>
7.	<b>Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар</b>							
	Сони (дона)	24545	534800	1061022	2042111	4453240	7959107	<b>324,3</b>
7.1.	<i>Юридик шахслар ва ЯТТлар</i>							
	Сони (дона)	14241	62227	81492	135629	227879	359770	<b>25,3</b>
	Омонатчилар улуши, фоиз	1,2	4,3	5,4	8,3	13,0	19,1	
7.2.	<i>Жисмоний шахслар</i>							
	Сони (донада)	10304	472573	978530	1906482	4225361	7599337	<b>737,5</b>
	Омонатчилар улуши, фоиз	0,1	3,1	6,0	9,8	22,0	43,0	

Гарчи 2018 йилда банк пластик карточкалари сони камайган бўлсада, лекин банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсганлиги кузатилган. Яъни, 2011 йилда 10192,4 млрд. сўм, 2018 йилда 63713,5 млрд. сўмга тенг бўлиб, 6,3 баробар ортган. Бу эса банк карточкалари орқали йиллик транзакциялар ҳажми 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 6,3 марта кўп бўлганлигини кўрсатмоқда. Буни Ўзбекистонда пластик карталар бўйича кредитлаш амалиёти, яъни овердрафт кредити жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлардан

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тузилди.


келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақининг (пенсиянинг) 3 баробаригача бўлган миқдорда 12 ойгача бўлган муддатга қайта тикланадиган (револьвер) шаклда, овердрафт шартномасига мувофиқ босқичма-босқич қайтариш шарти билан берилаётгани ҳам изоҳлаш мумкин. Ўз навбатида, кредитлашдаги рискларни бошқариш мақсадида миждоз томонидан тижорат банкига овердрафт олишга буюртманома билан бирга паспорт нусхаси, даромадлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжатларни, энг асосийси кредит олувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 3 баробаригача бўлган миқдордан кўп бўлмаган миқдорда тақдим этилмоқда. Натижада, бу ҳудудларда аҳолининг мобил-банкинг ёки банк карталарига асосланган тўлов амалиёти ошиши ва тўлов тизимининг тезлашишига олиб келади.

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 324,3 баробарга ортган. Жисмоний шахсларнинг бу хизматлардан фойдаланиш кўлами кенгайгани ҳисобига масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони кескин ортган, чунки масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва ЯТТлар сони 2011-2018 йиллар мобайнида 25,3 маротабага ошган бўлса, ушбу хизматларда фойдаланувчи жисмоний шахсларнинг сони 737,5 маротабага ошган (3-жадвалга қаранг). Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи энг кўп танлов жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган, 2011 йилда 0,1 фоиз фойдаланувчи ушбу хизматлардан фойдаланган бўлса, 2018 йил якунида банк миждозлари бўлган жисмоний шахсларнинг 43 фоизи масофавий банк хизмат турларидан фойдаланган.

Муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 2011 йилда 7909 минг тани ташкил этган бўлса, шундан 10304 таси (0,1 фоизи) масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар бўлган, 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк карточкалари сони 17686 мингтага етган, шундан 7599337 таси (43 фоизи) масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахслардир. Бу эса, ўз навбатида, жисмоний шахслар ўртасида шахсий пластик карточкалардаги пул маблағларни бошқаришда мобиль иловаларнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бораётганидан далолат бермоқда (3-жадвалга қаранг).

Ўзбекистонда тижорат банклари аҳолига қулайлик яратиш, замонавий хизматлар кўламини кенгайтириш, кечаю кундуз узлуксиз хизмат кўрсатадиган 24/7 режимида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш смартофисларини ташкил қилиб, инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига банк хизматларининг тарқалиши аста-секин ўсиб бормоқда, аммо аҳоли банк маҳсулотлари билан ҳали ҳам етарлича таъминланмаган. Буни 2-расмдаги маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонда 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, вояга етган ҳар 100000 кишига тўғри келадиган банккомат ва инфокиосклар 24 тани ташкил этса, кўшни Қозоғистонда 75 тани, Японияда 128 тани, Канадада эса 228 тани, Жанубий Кореяда 278 тани ташкил этган. Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич 2019 йил 1 январь ҳолатга кўра, бироз яхшиланган, яъни банккомат ва инфокиосклар сони 6859 тани ташкил этган, вояга етган ҳар 100000 киши ҳисобига 44 тани ташкил этган (2-расмга

қаранг).



**2-расм. Вояга етган ҳар 100000 кишига тўғри келадиган банкомат ва инфокиосклар сони (2018 йил 1 январь ҳолатига)<sup>14</sup>**


Тадқиқотчи фикрига кўра, банклар мижозлари кўламини кенгайтириш ва уларга қулай хизмат кўрсатиш муҳитини яратиш мақсадида мижозларга яқин бўлган жойларда банк филиалларини ташкил этади. Лекин банк филиаллари очиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларнинг кўплиги, кўплаб филиалларнинг рентабеллиги паст эканлиги бугунги кунда банкларнинг филиаллар очиш йўли билан мижозлари сонини ошириш ёки хизмат кўрсатишда географик ҳудудини кенгайтириш, масофавий банк хизматлари имкониятларидан кенг фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. Агар банклар мижозларига хизмат кўрсатишда филиаллар очиш йўли билан эмас, балки масофавий банк хизмат турларидан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширса, банк харажатларини тежашга эришилар эди.

Хусусан, вояга етган ҳар 100000 кишига тўғри келадиган банк филиаллари сони бўйича Колумбия биринчи ўринда, яъни 257 та бўлса, Ўзбекистон ҳам бу борада етакчи давлатлар қаторида бўлиб, 36 тани ташкил этган. Ҳатто, банк тизими тараққий этган давлатлар Японияда 34 тани, Грецияда 25 тани, Канадада 23 тани, Германияда 13 тани, Хитойда 9 тани, Бельгияда 7 тани ташкил этган. Бу эса ушбу давлатларнинг мижозлари сони ошаётгани улар талабига мос масофавий банк хизмат турлари таклиф этилаётганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган тенденцияларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадида масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини тадқиқ этдик. Бу борада, 2018 йилнинг январь-февраль ойларида Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ Тошкент шаҳри филиалида сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами масофавий банк хизмат турларидан фойдаланувчи 305 та респондент иштирок этди.

<sup>14</sup> [https://www.theglobaleconomy.com/rankings/ATM\\_machines/](https://www.theglobaleconomy.com/rankings/ATM_machines/)

3-расмдаги концептуал модели натижаларидан масофавий банк хизматларидан фойдаланишга кучли таъсир этувчи омиллар, ва бу омилларнинг бир-бирига корреляцияси юқори бўлганлари алоҳида ажратиб олинди. Яъни, масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир доираси кучли  $H \geq 0,5$  бўлган омиллар, масофавий банк хизматларидан фойдаланишда қулай бўлиши даражаси (FQ), масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида шахсий маълумотларнинг хавфсизлик даражаси (Xf2), масофавий банк хизматларининг харажатларни тежашдаги аҳамияти (FA2), масофавий банк хизматларини амалга оширишда интернет сифати ва тезлигининг аҳамияти (N2) каби омиллар кўп омилли эконометрик моделга кирадиган омиллар ўртасида тавсифий статистикалар ҳисобланади.



**3-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланишга таъсир этувчи «детерминант омилли» гипотезалар концептуал модели ва қўтилган натижалар <sup>15</sup>**

Омилларни кўп омилли эконометрик модел параметрларида ўлчашдан олдин, улар ўртасидаги боғланишларни топиш учун корреляция коэффицентларини ҳисоблаш керак.

Корреляция коэффиценти қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$r_{yx_i} = \frac{\overline{Y \cdot X} - \bar{Y} \cdot \bar{X}}{\sigma_X \cdot \sigma_Y}, \quad (1)$$

Бу ерда:  $\sigma_X \cdot \sigma_Y$  - омилларнинг ўртача квадратик четланиши.

Омиллар ўртасида боғланиш қийматлари қуйида келтириб ўтилган (4-жадвалга қаранг).

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Хусусий корреляция коэффициентлари омиллар ўртасида етарли даражада боғланишларни кўрсатмоқда.

4-жадвал

**Омиллар ўртасида корреляция коэффициентлари матрицаси<sup>16</sup>**

Probability	Y	FQ (X1)	Xf2 (X2)	FA2 (X3)	N2 (X4)
Y	1				
ФҚ	0,570661133	1			
Xф2	0,618504281	0,221898542	1		
ФА2	0,526081165	0,414226104	0,120065819	1	
Н2	0,579083635	0,309593916	0,261775531	0,308044947	1

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

